

# Термиз туманида 28 та солиқ тўловчининг 2,3 млрд.сўмлик солиқ қарзи ҳисобдан чиқарилди



Мамлакатимизда солиқ сиёсатини такомиллаштириш, солиқ маъмуриятчилиги самарадорлигини ошириш, солиқ юкини изчил камайтириш ва солиқ тизимини соддалаштириш борасида олиб борилаётган изчил ишлар солиқ тўловчилар сони ва бюджетга солиқ тушумларининг ошишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Бугунги кунда Термиз туманида фаолият юритаётган тадбиркорлар сони 1150 нафардан ортиқ бўлиб, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш, тизимни жадал рақамлаштириш борасидаги изчил ишлар натижасида туман миқёсида юридик ва жисмоний шахслар томонидан солиқ мажбуриятларининг ихтиёрий бажарилиши 95 фоизга етди.

2022 йилнинг 27 декабрь ҳолатига туманимиз солиқ тўловчилари томонидан жорий йилнинг IV чорагида 16 млрд 897 млн сўм миқдорида солиқ тўланиб, белгиланган прогноз режаси 1 млрд 742 млн сўм ортиғи билан бажарилди.

Бюджетга йўналтирилган маблағларнинг асосий қисми 12 млрд 223 млн сўм ёки 72,3 фоизи юридик шахслар, 2 млрд 871 млн сўм ёки 17,0 фоизи жисмоний шахслар, 1,0 млрд 802 млн сўм ёки 10,7 фоизи эса бошқа йиғим ва мажбурий тўловлар ҳиссасига тўғри келди.

Солиқ турлари бўйича таҳлил этадиган бўлсак, тушумнинг 9 млрд 442 млн сўм ёки 55,9 фоизини жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи, 2 млрд 671 млн сўм ёки 15,8 фоизини жисмоний шахсларнинг ер ва мол-мулк солиғи ҳамда қолган 4 млрд 784 млн сўм ёки 28,3 фоизини эса бошқа солиқлар ва йиғимлар ташкил этди.

Президентимизнинг “Таъсирчан солиқ механизмини қўллаш натижасида ҳосил бўлган солиқ қарзини ҳисобдан чиқариш тўғрисида”ги фармонида асосан бўш турган ва фойдаланилмаётган объектларга қўлланилган таъсирчан солиқ механизми бўйича туманимиздаги жами 28 та солиқ тўловчининг 2,3 млрд сўмлик солиқ қарзи ҳисобдан чиқарилди.

Давлат солиқ хизмати органлари ходимлари томонидан хўжалик юритувчи субъектлар билан ўтказилган бевосита мулоқотлар ва кенг кўламли тушунтириш ишлари натижасида 610 та корхонада норасмий ишлаётган жами 1089 нафар фуқаролар қонуний тартибда ишлай бошладилар.

Жумладан, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналаридаги 575 нафар, қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритаётган 167 нафар, савдо ва умумий овқатланиш корхоналаридаги 271 нафар, қурилиш корхоналаридаги 76 нафар фуқароларнинг фаолияти легаллаштирилди ва бюджетга 119,8 млн сўм қўшимча маблағ йўналтирилди.

Солиқ соҳасидаги автоматлаштирилган ахборот тизимлари иш унумдорлигининг ортиши ва хизмат кўрсатиш сифатининг ошишини таъминламоқда.

Жорий йилнинг 26 декабрь ҳолатига “E-ijara” автоматлаштирилган ахборот тизими (АТТ) орқали туманимизда 264 та кўчмас мулк ижара шартномалари солиқ органларида ҳисобга қўйилди. Шундан 48 таси юридик шахслар, 216 таси жисмоний шахслар билан тузилган кўчмас мулк ижара шартномаларидир.

Шунингдек, “E-imtiyoz” АТТ орқали жами 215 та ҳолатда 172 та корхоналарга 4,2 млрд сўм миқдорида ер, мол-мулк, ва айланмадан олинадиган солиқ (АОС) турларидан имтиёз қўлланилди.

Тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида берилаётган бу каби солиқ имтиёзлари ва енгилликлари хусусий секторни ривожлантириш ва шу аснода иқтисодий барқарорликни таъминлашга хизмат қилмоқда.

**Одилжон Якубов - Термиз туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи**